



- * Биносиз, хонасиз, маблағсиз “Камолот”чилар
- * Одамхўр илонлар эмас, илонхўр одамлар пайдо бўлди
- * Болангизни урманг, қамалиб қолишингиз мумкин
- * Сиз ўз тенгингизни топишни хоҳлайсизми?



Туркистон

Элим деб, юртим деб,  ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган **ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ** 2000 йил 26 февраль Шанба. № 17 (14299)

Соғлом авлод - миллатимиз келажаги

Президент Ислам Каримов ташаббуси билан соғлом авлодни тарбиялашга, маънавий бой, ахлоқан етук, интеллектуал ривожланган, юкори билимли, жисмонан бақувват, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантиришга қаратилган кенг кўламли тадбирларни амалга ошириш мақсадида мамлакатимизда 2000 йил - “Соғлом авлод йили” деб эълон қилинди ва бу борада ҳукуматимизнинг махсус қарори асосида давлат дастури қабул қилинди.

24 февраль куни Оксарой қароргоҳида “Соғлом авлод” давлат дастурини бажаришга доир ишларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Республика комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов бошқарди.

Давлатимиз раҳбари “Соғлом авлод” давлат дастурини тайёрлаш жараёнида турли вазирлик, идора ва ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, илмий муассасалар вакиллари қарийб икки ой давомида ҳамкорликда иш олиб борганини айтди. Қабул қилинган дастурда ҳаётимизнинг барча жабҳаларида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга йўналтирилган чора-тадбирлар белгилаб берилган.

Айни пайтда, Юртбошимиз таъкидлаганидек, мазкур дастур амалга оширилгач, ҳар бир оила, умуман халқимиз ҳаётида қандай ўзгаришлар содир бўлади, деган савол бугунги кунда жуда долзарб. Ундаги режалар ҳамюртларимизнинг кундалик турмушига қай даражада таъсир кўрсатади, эл-юрт саломатлигини яхшилашга қай даражада хизмат қилади?

Ислам Каримов дастурни бажаришда ҳар бир мутасадди вазирлик, идора ва ташкилот ўзи учун иш қилишни аниқ белгилаб олиши зарурлигини қайд этди. Чунки, соғлом авлодни тарбиялаш жуда кенг тушунча бўлиб, бу борадаги ишлар-

ни бошқа давлат дастурларида кўрсатилган чора-тадбирлар билан аралаштириб юбормаслик муҳимдир. Бунда куруқ гап ва ташвиқот эмас, одамларнинг тафаккурида соғлом турмуш тарзи ҳақидаги тушунчани шакллантириш, тиббиёт муассасалари имкониятларини кенгайтиришга қаратилган амалий ишлар талаб этилади. Вазирлар Маҳкамаси қароридан белгиланганидек, дастур топшириқларининг аниқ муддатларда бажарилиши учун ўзларига боғлиқ бўлган барча чора-тадбирларни кўриш, мавжуд имкониятларни сафарбар этиш ҳар бир раҳбарнинг муҳим инсоний бурчидир.

Мамлакатимиз Президентини дастурни ижро этиш жараёнида бирламчи эътибор қаратилиши зарур бўлган устувор йўналишларга алоҳида тўхталиб, аввало балогат ёшига етган қизларимизни мактабдаёқ оилавий ҳаётга психологик, жисмоний ва тиббий жиҳатдан тайёрлашни йўлга қўйиш кераклигини қайд этди. Бунинг учун мактабларда махсус қўлланмалар асосида дарслар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, оила қуриш фақат икки ёш ўртасидаги иш эмас, бутун жамият ҳаётига алоқадор масаладир. Зеро,

соғлом фарзанд соғлом оиладагина дунёга келади. Шу боис, ёшлар ўртасида соғлом оила тушунчасини тарғиб этиш, улар саломатлигини, бир-бирига тиббий ва жисмоний жиҳатдан мослигини ўрганиш катта аҳамият касб этади.

Учинчи йўналиш - ҳомиладорлик ҳамда фарзанд туғилиши пайтида она ва бола саломатлигини назорат қилиш, мустаҳкамлаш ва сақлаш. Давлатимиз раҳбари бу борада Республика акушерлик ва гинекология институтида бой тажриба тўпланганини айтиб, вилоятларда очиститутнинг бўлимларини очиш таклифини билдирди.

Маълумки, бир ёшгача бўлган давр чақалоқлар ҳаётида энг хавfli ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу даврда уларнинг саломатлиги, тарбиясига махсус эътибор талаб қилинади. Ислам Каримов бу тўртинчи йўналиш бўйича масъул идораларни аниқ белгилаб олиш ва улар фаолиятини қатъий назорат қилиш кераклигини ўқирди.

Бешинчидан, бир ёшдан беш-олти ёшгача бўлган даврда бола саломатлигини мустаҳкамлаш, тарбиясини тўғри ташкил этиш. Чунки айнан шу давр боланинг ақлан ва жисмонан шаклланишида энг катта аҳамиятга эга. Фарзандларимиз тафаккури таркиб топаётган пайтда уларга тўғри тарбия бериш, ҳаёт учун зарур билимларни олишига шароит туғдириш масаласи доимий эътиборимизда бўлиши лозим.

Йўлбошчимиз эътиборни жалб қилган олтинчи йўналиш - ногирон болаларни давлат томонидан ҳимоялашни кучайтириш, уларнинг



жамиятнинг тўлақонли аъзоларига айланиши учун шартшароит яратишдир. Чунки, ҳар қандай миллат ва жамиятнинг маънавияти ҳам ногиронларга муносабат билан ҳам белгиланади.

Президент Ислам Каримов дастурда белгиланган чора-тадбирларни ҳаётга тадбиқ этишда жойлардаги масъул раҳбарларнинг жавобгарлигини ошириш, халқимиз онгида соғлом авлод тушунчасини шакллантиришда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш даркорлигини таъкидлади. Зеро, соғлом ав-

лод - барча эзгу мақсадларимиз шарт, миллатимиз келажагидир.

Мажлисида муҳокама этилган масалалар юзасидан соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров, соғлиқни сақлаш вазирлиги Педиатрия илмий-тадқиқот институти директори Д.Махмудова, Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 10-туғуруқхона комплексининг бош шифокори А.Любич, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг раиси, муфтий А.Баҳромов, “Наврўз” хайрия жамғармасининг раиси Д.Ёқубов сўзга чиқди.

Бехзод Усмон
(ЎЗА)

ТАДБИРКОРГА ТЎСИҚ ЙЎҚМИ?..

Уддабурон, элчил одам ўз меҳнатининг, олиб-югуришларининг натижасини кўрадиган замонлар келди. "Олма пиш, оғзимга туш", деб қўл қовуштириб ўтиришдан наф йўқлигини кўпчилик яхши билади. Президентимиз Вазирлар Маҳкамасида бўлган мажлисда хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга оид қатор камчиликлар ҳақида кўйиниб гапирганиди. Хўш, бу тўғрида тадбиркорларнинг ўзлари нима дер экан?

Ханифа МАМАЖОНОВА, "Бизнес фонд"нинг Наманган вилояти бошқармаси бошлиғи:

Президентимизнинг яқиндагина Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясида тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга оид билдирган фикрлари айни кўнглимиздаги гап бўлди. Бугунги кунда мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни, тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ масалаларни кечиктирмай ҳал қилиш зарур.

Фаолиятимизга назар солсак, ёшлар учун 2000 дан зиёд ишчи ўринлари ташкил қилиниб, бир миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ўтган йилда бошқармаимиз томонидан берилган берилган умумий кредит ва устав жамғармасига шериклик миқдори салкам 600 миллион сўмдан иборатдир. Тўқсон нафар тадбиркорга 37 миллион сўмдан зиёд микрокредитлар ажратдик. Бошқармаимиз иштирокида ўрта қўшма корхона барпо этилди. Шундан бештаси ишлаб турибди, бештаси эса бу йил ишга тушади. Чуст ва Тўрақўрғон туманларида Германиянинг "Пфаф Зингер" компанияси билан ҳамкорликда қўшма корхоналар очилиб, юздан зиёд аёллар иш билан таъминланди. Вилюят аёлларига "Зингер" компаниясининг 50 та тикув машинаси лизинг асосида берилди.

Бу йил тадбиркорлар учун 160 миллион сўм ажратдик. Маблағнинг ярмини кредитга, ярмини хусусий тадбиркорларнинг низоом фондига шериклик учун берамиз. Келгусида чет эл дастгоҳларини келтириб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи, тикувчилик, тўқувчиликка ихтисослашган қўшма корхоналар, экологик жиҳатдан безарар бўлган кийимларни кимёвий тозалаш хизмати ишга туширмоқчимиз. Лекин бу ўз фаолиятимиздан қоникамиз дегани эмас. Тадбиркорлар билан ҳамкорликни янада яхшилашимиз керак. Демокриманки, барча тадбиркорлар ҳам тўғри бизнес режа тузолмайди. Бу эса кредитларни ўз вақтида қайтаришларига халақит беради.

Абдурашид УРИНБОЕВ, хусусий тадбиркор:

Атторчилик соҳасида бир қанча кичик корхоналар ташкил этиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Пардоз-андоз воситалари аёлларимиз томонидан энг кўп харид қилинадиган, мунтазам фойдаланиладиган товарлар сирасига киради. Хорижнинг бундай маҳсулотларига аёлларимиз жуда ўч. Лекин уларнинг нархи банд, баъзиларининг сифати, маҳсулот таркиби шубҳалидир. Қолаверса, бизда ишлаб чиқариладиган пардоз-андоз воситаларини четга экспорт қилиш ҳам мумкин. Шу мақсадда "Корал", "Баготис" фирмаларини туздик.

Лекин сир эмаски, банклардан кредит олиш катта бюрократик жараёнга айланган қолган. Керагидан ортиқча текширувлар, сон-саноксиз ҳисоботлар тадбиркорлар фаолиятига кўмаклашиш

ўрнига фақат халақит беради. Агар текширувлар хусусида гап кетганда, у одамни ортиқча тобеликка олиб келиши шубҳасиз. Яна шуни айтиб ўтиш жоизки, барча солиқ тўловлари учун ягона компьютер тизими жорий этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Мен хизмат юзасидан жаҳоннинг АҚШ, Миср, Болгария сингари давлатларида бўлганман. У ерда тадбиркорлар ўз ишини олиб боришлари учун ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Тўғри, бизга Президентимиз кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратиб берган. Аммо жойлардаги мутасадди раҳбарлар иқтисодиётимизни ривожлантириш сиёсатининг асл моҳиятига ҳали тўлиқ тушуниб етмаган кўринишади. Шу сабабли гоҳида улар тадбиркорлар йўлига тўсиқ бўлмоқда.

Назокат УСМОНОВА
суҳбатлашди

Экология мувозанатининг бузилиши натижасида кўпгина туманлар шип-шийдам яйдоқликка айланаёзган бўлсада, Қорақалпоғистоннинг Эликқалъа тумани кундан-кунга гуллаб-яшнаётир. Бу ерда кўча ва хибобонлардаги турли хўшманзара дарахтлар кўзингизни яшнатиб юборади. Бир-бирига қўшни икки туманда икки хил манзара мавжудлигини кўриб, айбни кўпам экологияга, Орол муаммосига тўнкагингиз келмай қолади. Одамларнинг ўзлари ободонлаштириш, кўчат экиб кўкаламзорлаштиришга эъти-

йилларда уларни суғоришга ҳожат қолмайди. Дарахтлар гуркираб ўсиб, кун сайин кўркамлашиб бораверди. Бугунги кунда коллеж атрофидаги ана шундай ташландиқ ерларда қатор-қатор асрий гўжумлар ўстирилмоқда.

— Республика ботаника боғининг Қорақалпоғистон бўлими шундоққина қолмаганимиз боғига туташиб турибди, дейди Д.Саифов. — Талабаларимиз асосий иш тажрибаларини мана шу боғда олиб борадилар. Бу боғда бир минг икки юз хил мевали ва мевасиз дарахт турлари

БИР НИҲОЛНИНГ САВОБИ

бор бериб, бу ишга сидқидилдан киришсалар чўл ҳам гулистон бўлиши табиий экан.

Эликқалъа туманидаги аграр иқтисодиёт коллежи атрофидаги гузал табиат бизнинг ҳайратимиз боиси бўлди. Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли мазкур коллежнинг шундоққина ёнгинасидан етти-саккиз метр чуқурликда ариқ ва зовурлар оқиб ўтарди. Уларнинг икки чети банд дамба ва рошлардан иборат. Сувнинг суғорма деҳқончиликка асосланган худудларида бунақанги манзарани истаганча учратиш мумкин. Бироқ ҳамма жойда бу дамба ва рошлар усти янтоқзорга айланиб ётарди. Аграр иқтисодиёт коллежи директори Дусен Саифов ана шу бандликда дарахт ўстириш мумкинлигини айтганида, тўғриси кўпчилик унинг устидан қулган эди. Чунки қарақаб ётган тепалиқларда етарли намнинг бўлиши тугул, у ерга сув олиб боришнинг ўзи ҳам амри маҳол. Сув жуда пастдан оқиб ўтиши натижасида ниҳолларни ҳар куни сунғий равишда суғориб туриш зарур. Шундай бўлсада Дусен ога энг шимариб ишга киришди. Англиянинг Лондон университети қошидаги ВАИ коллежида тажриба ошириб келгани бу борада янада қўл келди. Яп-яйдоқ бўлиб ётган ерларда кўп йиллик ўт, гўжум, чинор каби дарахтлар эктирилди. Суғоришга навбат етганида талабалар кўмагида пақирлаб сув ташилди. Бир йил шундай усул қўлланилди. Тобора илдизи ер қаърига ботиб, табиий намга етиб олгач, кейинги

мавжуд. Биз ҳам қадимги Хоразм воҳасининг ноёб ва камёб мевали дарахтлари турларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратаймиз.

Яқинда Оролни асраш Республика кўмитасининг аъзоси Болтабой Худойназаровнинг "Экосистема" деган илмий мақоласини ўқиб қолдим. Унда экологик мувозанатни сақлаш учун воҳадаги ариқ ва зовурларнинг дамба ва рошлари устини дарахтзорларга айлантириш зарурлиги таъкидланган эди. Баланд жойдан илдиз отган дарахт баҳор ва кузда ернинг ортиқча захлаш ва шўрланишидан қўриб қолмас экан. Хоразм воҳасида дарахтлар узоқ умр кўрмаслигининг боиси ер ости сувининг яқинлиги, захлаш ва шўрланишнинг кучлилигидадир. Экосистема туфайли сувнинг ортиқча буғлиниб, ҳавога кўтарилишининг олди олинаркан. Илмий мақолада илгари сурилган кўрсатмалар Эликқалъа тумани аграр иқтисодиёт коллежида амалда синаб кўриляётгани ва унинг натижаси бошқаларга андоза бўлгудек яхшилигидан кўнглимиз тўлди. Ҳадамай бошлаб юбориладиган кўчат экиш олийгоҳида барча жойларда, айниқса Оролбуёи минтакаларида тажрибаларини тадбиқ этишга эътибор берилса, табиат дарадига ўзимиз малҳам топган бўлур эдик.

Эрпўлат БАХТ
ўз мухбиримиз

"ҲИЗБУТ-ТАҲРИР"ЧИЛАР АЁЛЛАРДАН Фойдаланмоқда

Мамлакатимиз ҳудудида бир йил ичида ноқонуний диний оқимларга кириб қолганлар аниқланди, шуларнинг кўпчилиги ёшларни ташкил этса, аксарияти ҳеч қерда ишламайдиганлар. Кейинги пайтларда эса диний оқимлар тарафдорлари ҳар хил варақалар тарқатишда хотин-қизлардан фойдаланиш йўлини топди. Сабаби улар ички ишлар ходимларида шубҳа уйғотишмайди.

Президентимиз 2000 йилни Соғлом авлод йили деб эълон қилди. Баъзилар бунга бир ёқлама қараяпти. Айрим журналистларимиз бу ҳақда гап кетганда фақат туғруқоналарни назарда тутишади. Ахир соғлом авлод деганда дунёга келаётган гўдакларгина назарда ту-

тилгани йўқ-ку?! Токим эркин фикрлайдиган, ўз ғоясига эга бўлмаган ёшларимиз бор экан, ҳар сонияда адашиш, алданиш давом этаверади деди, сўзга чиққанлар Темурийлар тарихи давлат музейининг мажлислар залида ўтказилган "Ёшларимиз қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳрсодокат туйғусини ривожлантириш" мавзуидаги давра суҳбатида.

Юнусобод туман ҳокимлиги, "Камолот" жамғармаси, "Маънавият ва маърифат" бўлимлари мутасадлигида ўтган давра суҳбатида туман ҳудудида жойлашган тўрт олийгоҳ талабалари, ўқувчилари иштирок этишди.

М.СУВОНОВА

ҚАЧОНДА БАИРОВНИНГ Қўлига ҚАРАЙСИЗ

Бандихон Сурхондарёдаги қоқок туманларнинг бири ҳисобланади. Туманда кейинги йилларда пахта, ғалла сотиш ва ишлаб чиқариш режалари бажарилмаяпти. Энг ёмони бу туманда саноат ривож топмаган. Шу сабабли ёшларнинг кўпчилиги бошқа туманларга иш ахтариб кетишга мажбур бўлмоқда.

Эҳтимол ёшларнинг бошини қовуштириши лозим бўлган "Камолот" жамғармасининг туман бўлими нима иш билан машғул, деган савол бермоқчидирсиз? Гапнинг очиги бу ташкилотнинг маблағи йўқлиги сабабли ёшларни иш жойлари билан таъминлаш тугул уларнинг бўш вақтларини намунали ўтказиши учун тадбирлар уюштиришга имкони етмайди. Йил бошида бўлим раиси этиб сайланган Комил Кўшқоровнинг эса негидир бу ҳақда ўйлагиси ҳам келмайди. Шу боис ёшлар ташкилоти ҳам бўлмаган бандихонлик ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этилаётганлиги, бизнес мактабини битирганларнинг кўпчилиги иш тополмай юрганлиги, ёшлар

республика ва вилоят миқёсидаги спорт мутасаддиларида дуруст натижаларга эришолмаётганликлари ҳеч қандай ташвишга солаётгани йўқ.

Яна бир масала — "Камолот" жамғармасининг туман бўлими раиси негидир деярли ҳар йили янгиланаётир? Яқиндагина бу ташкилотга Баҳриддин Иброҳимов ҳамда Абдураззоқ Нурманов сингари кишилар раҳбарлик қилишган эди. Улар узоқ ишлаб олмаётганлигининг сабаби "Камолот" жамғармаси туман бўлими ҳамда "Камолот" компаниянинг банкдаги ҳисоб рақамида маблағи йўқ эканлигида эмасмикан.

Бўлимнинг бош ҳисобчиси Ғофур Самадовнинг ҳасратидан чанг чиқди:

— Маблағимиз йўқлиги сабабли ёшлар ўртасида турли тадбирлар, кўрик-танловлар ўтказиш имконияти йўқ, - деди у. - Бўлимнинг ҳатто тузуқроқ биниси тугул, хонаси ҳам йўқ. Икки ташкилот учун битта хона берилган. Маблағ, транспорт воситаси йўқлиги ва ходимларга иш ҳақи беролмаётганлигимиз оқибатида

хўжалик, корхона ва ташкилотлардаги жамоатчилик марказлари билан ишлаб бўлмайти. Илтимосимиз шуки, хўжалик ва ташкилотлар, туман ҳокимлиги ҳам бизга моддий жиҳатдан ёрдам берса. Акс ҳолда ташкилотимизнинг аҳволи ҳеч қачон яхши бўлмайди.

"Камолот компания" корхонаси ижрочи директори Холтўра Кулматов 25-30 чақирим "Туркистон-SOS" жойдан қатнаб ишлайди. Бўлимимиз раиси ҳам туман марказидан узоқда яшайди. Ҳатто ёзув машинкамиз бузуқ, телефон узиб қўйилган. Шу сабабли туман марказидан узоқда жойлашган "Дўстлик", "Хўжайпоқ", Ғ.Ғулом номидаги ва бошқа хўжалик ҳамда ташкилотлар туман ёшлари ўртасида тадбирлар ўтказолма-япти.

"Камолот" жамғармасининг туман бўлими раиси биз борган кун ишга келмади. Сабаби у "Пахтакор" жамоа хўжалигидаги мактаблардан бирида ўша кун дарс бераётган экан. Балки ташкилот раҳбари маоши озлиги учун ўқитувчилик ҳам қилаётгандир.

— Мен "Наврўз" хўжалигидан, яъни 12 ча-

қирим узоқдан қатнаб ишлайман, - дейди раиснинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича муовини Муқаддас Абдуназарова. - Иш режам бор, лекин кўрсата олмайман. Сабаби сейф қулфлиниб қолган. Январ ойида ижодкорлар йиғилиши ўтказдик. Аммо маънавият, маърифат, халқ таълими ва спортга доир тадбирларни ўтказиш имкони йўқлиги бизни қийнапти. Узоқдаги хўжалик ва ташкилотларга бориб бўлмаяпти.

Туман раҳбарлари (ҳоким Абдуназар Чоршанбиев, биринчи муовини Очил Раҳмонкулов) юқоридаги нуқсонларни, жумладан, туманда иқтисодий ислохотларни амалга оширишни янада жадаллаштириш, одамларга ишлаш ва яшаш учун шароит яратиб бериш чораларини кўриши зарур.

Хуллас, аҳвол юқоридагидек ташвишли. Иш шу тарзда давом этаверса янги раис Комил Кўшоқов ҳам кетиб қолиши тайин.

Жовли ХУШБОҚОВ,
"Туркистон" мухбири

Таҳририятдан: "Камолот"чилар қачонгача ўзгаларнинг қўлига қараб яшаркин? Наҳотки ёшлар ўз ташкилотининг моддий ва маънавий жиҳатдан таъминланиши учун ўзлари ҳаракат қилишмайди?..

Тошкент шаҳридаги "Маданият" уй-жой қурилиш ширкати жойлашган бино баамисоли арининг уясини эслатади. Бу ерга кириб-чикиб турганларнинг ҳисоби йўқ. Уларнинг мудоаолари бир. Бу ширкат орқали уй-жой сотиб олиш. Ишлари бит-гунча қатнайдилар, кейин эса бу ерни тарқ этадилар. Аммо Юсуф Азимов билан Сайфура Гадоева кунда-шунда. Кўзлари олазарак бўлиб "мижоз" кидиради, қулоқлари худди локаторга ўхшаб овоз ушлайди. Ана, бир аёл киши келиб ширкат раиси билан гаплашмоқда. Унинг хатти-ҳаракатларидан уй оломқчилиги шундоқ сезилиб турарди. Азимов "локатори"ни ўша ёққа тўғрилаб, уларнинг овозларини қабул қила бошлади.

Сухбат мазмунидан аён бўлдики, чиндан ҳам бу аёл ширкатга уй олиш ниятида келган экан. Азимов уни яна бироз диққат билан кузатди. Қараса, аёл бой-ваччагина кўринади. Уй олгани пули ҳам нақд!

— Бўлди, шу аёлнинг "ҳожати"ни чиқараман, - деди у ўзи ва астагина аёлга яқин бориб:

— Ҳа, опаюн, уй оломқчимисиз, - деб сўради.

— Худди шундоқ, азизим. Ие, дарвоқе, буни сиз дарров қаердан била қолдингиз?

— Э, опаюн, биз шунақа ўртада девор бўлса ҳам кўчани бемалол кўраверадиганларданмиз. Агар чиндан уй керак бўлса, ширкатга пул тўлаб овораю сарсон бўлиб юрасизми, ўзимизга мурожаат қилаверинг. Тайёр сотиладиган хонадонлар бор. Бир зумда олиб бориб кўрсатамиз. Ёкса олмасиз, бўлмаса бошқасини кўрсатамиз!

Азимов ёнидан "блокнот"ини олиб, 9 та хонадоннинг манзилини айтди. Харидорга икки хоналисиз маъқул бўлди. Улар бориб уйни кўришгач, сотувчи харидор Р.Тўлагановадан 600.000 сўм ва 2000 АҚШ доллари қуртдек санаб олди. Уй Тўлаганованинг турмуш ўртоғи номига расмийлаштирилди.

Бироқ орадани кўп ўтмай эрхотин маслаҳатлашиб бу уй ўрнига беш хонали бошқа уйни олишга қарор қилишди. Табиийки, бунинг учун Азимов кўшимча пул сўради. Унинг бу талаби ҳам қондирилди. Икки хонали уйга бир қорейс миллатига мансуб аёл харидор жойлашди. Бироқ беш хонали уй Тўлагановага насиб қилмади. Икки хонали уйни ўша қорейс аёл ҳам ташлаб чикиб кетди. Сабаби бу уйнинг ҳақиқий эгаси чикиб қолган эди-да.

Бироқ Тўлаганова ҳам аноийлардан эмас эди. У ширкат раиси А.Сальникованинг ёқасидан тудди:

— Азимов мени пулимни олиб, уйни расмийлаштириб бермаяпти, агар бу ишни имжимада тўғрилаб бермасаларинг, кунларингизни кўрсатаман, - деб туриб олди. Сальникова ноилж ўзининг Чилонзордаги уйини Тўлагановага ишончнома орқали расмийлаштириб бериб қўтирди. Аммо ҳамма ҳам Тўлагановага ўхшаб бу товламачиларнинг чангалидан осонликча қўтилиб кетолмади.

Сайфура Гадоева М.Жўраевага турмуш ўртоғи билан ажрашганлиги, қарамоғида тўрт нафар фарзанди борлиги, ҳеч қаерда ишламаётганлиги туфайли бироз қийналиб қолганлигини айтиб, яшаб турган уйини сотмоқчи эканлигини баён қилади. Уй сотиб олиш илжинида юрган Жўраева унинг уйини олишга қарор қилади. Уйнинг нархи 9000 АҚШ доллари этиб баҳоланади. Жўраева шундан 6000 АҚШ долларини бериб, қолган қисмини тилла тақинчоқлари ҳисобига узади. Уй олди-сотида шартномаси нотариал идораси орқали расмийлаштирилади.

Бироқ Гадоева Жўраевага уйни "икки ойдан кейин бўшатиб бераман" деган ваъдасини бажармайди. Буни кутавериб тоқати тоқ бўлган Жўраеванинг ҳам сабри тугайди. Сайфура эса ҳийла йўлига ўтади. Азимов ва

Сальниковаларга мурожаат қилиб, "Маданият" уй-жой қурилиш ширкати орқали Сирғали мавзесидagi 22-уйнинг 5 хонали 22-хонадонини учун ўзи ва Жўраеванинг номига ордер ёздирарди ва Жўраевага дейди:

— Агар рози бўлсангиз, менга фарзандларим билан яшаб турган уйимни қолдириб, сиз шу хонадонни олсангиз.

Жўраева бунга ҳам рози бўлади. Улар нотариал идораси орқали 26-уйнинг 15-хонадонини бўйича тузилган олди-сотди шартномасини бекор қилишади. Шундан сўнг Гадоева хотиржам бўлиб, 22-уйнинг 22-хонадонини ордерини Жўраевага тутқазади. Бундан боши осмонга етган

Жўра-

хурсанд Гадоева кунларнинг бирида меҳмоннинг кўнглига қўл солиб кўради.

— Меҳмон, Сизни шаҳарга рўйхатдан ўтказиш учун лоақал бир хона уй олиб берсак, иш осон кўчарди.

— Э, қани энди, бу ерда ўз уйим бўлса, ниятимга етардим-ку!

Гадоева пул бўлса чангалдан шўрва пишишини айтади.

Ибойан келишув асосида пул ўрнига битта тилла узук, бриллиант кўзли колье, фианит кўзли аёллар зираги, фианит кўзли эркалар перстень узуги ва аёллар кўзсиз тилла зирагини олиб келиб

орқали 450000 сўмга А.Болтахўжаев деган "бахти кулган" кишига пуллаяди. Бир пайтда уйнинг ҳақиқий эгаси К.Комилов келиб қараса хонадонда бегона кишилар яшяпти. Бўлди хангома, бўлди маша. Мазкур уйнинг ҳақиқий эгаси билан уни сохта ҳужжатлар асосида сотиб олган Болтахўжаевлар не қиларларини билмай бошлари қотиб тура турсинлар, биз Азимовнинг навбатдаги хангомасини ҳикоя қилишга ўтамыз.

Юсуф Азимов учун бунақа жанжаллару можаролар чивин чаққан чалик таъсир этмади. Аксинча у сур бўлиб эгаси яшамаётган бошқа бир уйни кидириб топмасди (?).

Бу уй Сирғалидаги 6-мавзе, 13-уй, 8-хонадон бўлиб, унинг эгаси вақ-

этилган бу товламачи кўза кунда эмас, кунда синишини англаб етмайдиганлар хилидан эмасди. У барча жиний килмишлари учун бир куни қонун олдида жавоб беришини ҳам тушунарди, аммо "ютганим ўзимники, оғзимдагисини гумон" дегучи бу таламисга то қўлга тушгунича яшаб қолишининг ўзини етарли эди. Бу тавсиф унинг ҳамкасабаси Гадоевага ҳам мос тушарди.

Эртанинг гамини егунча бугуннинг айшини сур дегучи ҳар икки товламачи ҳам охир-оқибат қўлга тушди. Суднинг қора курсисига ўтириб қилмишларига яраша жазоларга мутбало этилиши. Шуниси диққатга сазоворки, шаҳримизда бунақа сохта уйфуруш товламачилар қўллаб учрамоқда. Тўғри улар ҳам эртами кечи қўлга тушиб, жазоланадилар. Аммо гап уларга берилган ва бериладиган жазолардами? Нега жамиятимизда бунақа юзсиз товламачилар учраб турибди? Нега туппа-тузук одамлар уларнинг қармоғига илиниб, чув тушмоқдалар. Бу ва бошқа шунга ўхшаб саволларга биргалликда ўйлаб аниқ жавоб топиш пайти келди.

Мамлакатимизда фуқароларнинг бошқа ҳуқуқлари билан бир қаторда мулкка эгалик ҳуқуқи ҳам Конституция ва бошқа бир қатор қонунлар билан ҳимоя қилинади. Бу ҳуқуқ аниқсиз Фуқаролик Кодексининг бир қатор моддаларида батафсил ифода-ланиб, унинг қандай ҳолатда пайдо бўлиши ва тугатилиши батафсил тушунтирилган.

Фуқароларнинг кўчмас мулкларини олди-сотди шартномалари ўзР ФКнинг 101-моддаси талаби бўйича тарafdлар томонидан тегишли тартибда битимлар тузиш билан амалга оширилади. 105-моддада эса битимларнинг икки хил — ёзма ва оғзаки бўлиши кўрсатилган. Ёзма шакли асосан нотариал, оддий тартибда тузилади.

Кўчмас мулкларнинг олди-сотди шартномалари ўзР ФКнинг 107-моддаси талаби бўйича ёзма шаклда нотариал идора орқали қонуннинг барча талабларига риоя қилган ҳолда тузилиса, ҳеч қандай низо келиб чиқмайди.

Фуқаролар кўчмас мулклар олти-сотди шартномаларини нотариал тартибда расмийлаштирмасдан уйда гувоҳлар иштирокида тузганликлари кўпинча уларни шу ҳолатларни суд йўли билан ҳақиқий деб топишга мурожаат қилишларига олиб келмоқда. Айрим ҳолларда шу тузилган уйдаги олди-сотди шартномаларида ҳатто уй эгасининг имзоси ҳам йўқлиги ажабланарли. Табиийки, бундай ҳолларда битимлар ҳақиқий деб топилашади.

Фуқаролар кўчмас мулкларини олди-сотди қилаётганларида албатта бу мулкнинг низоли эмаслигини, сотилиши мумкинлигини, агар ишончнома бўлса, уни берган шахснинг бунга вақолати бор-йўқлигини албатта аниқлаб олиб кейингина битим тузишлари керак.

Мана бу қонун талабларини бажармаслик оқибатида фуқаролар ўзларига турли муаммолар келтириб чиқармоқдалар ва уларни ҳал қилиш учун судга мурожаат қилиб, овораю сарсон бўлмоқдалар.

Фуқароларимизни кўчмас мулкларни олди-сотди шартномаларини тузишларида талабларнинг билмасликлари уларнинг ўзларига қатта миқдорда моддий ва маънавий зарар етказилишига олиб келмоқда. Шунинг учун ҳам биз муштарийларимизга ҳуқуқий маслаҳатхоналарга бориб, ахволни тўла билгандан кейингина бундай шартномаларни тузишларини тавсия қиламиз. Бу уларни турли сарсонгарчиликлардан сақлайди.

Лола ШОМУРОВА,
Тошкент шаҳар
прокурорининг
қатта ёрдамчиси,
Мурод КАЛОНХОН,
журналист



ева ордерни қўлтиқлаб, янги уйга келса, у ерда нотаниш одамлар яшаб турган экан. Уларга ордерни кўрсатади. Буни кўрган хонадон соҳиблари, бу уй ўларнинг уйлари эканлигини айтиб, ҳужжатларни кўрсатишади. Тарвузи кўлтиғидан тушган Жўраева сохта ордерни тутганча бош чангаллаб қолаверади!

Гадоева эса яшаб турган уйга бошқа "харидор" излаб йўлга чиқади. Унинг бахтига тезда Д.Бадалов деган "ишончли" харидор ҳам топила қолади. Сотувчи ўз уйини эмас, кўни-кўшнларини ҳам оғиз кўпиртириб мактай кетади. Бадалов тўрт нафар фарзандли бу аёлга лаққа ишониб, у билан уйни 6000 АҚШ доллари сотиб олишга келишади. Сотувчи шундан 4500 АҚШ доллари ва 163060 сўмни олади. Келишувга мувофиқ харидор қолган 1500 долларни унга уй олди-сотди шартномаси расмийлаштирилганидан кейин берадиган бўлади. Лекин у шунча пуллари "қулогини ушлаб" кетганини билмайди. Гадоева эса ўз оёғи билан уйга келиб, шунча пулни ташлаб кетган соддадилни бошлаб лақиллатганидан шод бўлиб юраверади.

Сайфура Гадоевани ўрганган кўнгли яна текин "соққа" тусаб қолади. Шунда у уйга яна харидор излаб, "Маданият" ширкатига боради. Унга хориждан республикамизга яшаш учун келган К. Ибойан дуч келиб қолиб, Тошкент шаҳрига рўйхатдан ўтиш учун ёрдам сўрайди. Шунда Сайфура:

— Э, меҳмон, биз учун шу ҳам иш бўптими. Сизни шаҳримизга рўйхатдан ўтказиб, меҳмон эмас, мезбон қилиб қўямиз. Бироқ бу нозик иш учун 6000 "кўки"ни чўзишингизга тўғри келади, - дейди.

— Жон деб рози бўлардим, лекин унақа пулим йўқ-да, - дейди меҳмон.

— Унда ҳозирча "закалат"ини беринг.

Меҳмон рози бўлиб 200 АҚШ долларини беради. Орадани бироз вақт ўтгач яна 400 доллар келтиради. 600 долларни ундирганидан

беради. Гадоева уларнинг қийматини 1500 АҚШ доллари баҳолайди ва янги уйини расмийлаштириб, рўйхатдан ўтказиш учун паспортини олади-да, жуфтакни ростлайди.

Ибойан бўлса унинг кетидан юравериб ҳолдан тояди. Кунларнинг бирида Гадоева унга:

— Кетимдан юравериб зерикмадингми, энди бўлди-да! Такдирга тан бергин-да, берган пул ва тақинчоқларингдан умидингизни уз, - деди қатъий оҳангда сурбетлик билан. Бу гапни эшитган Ибойан не қиларини билмай бош чангаллаб қолади.

Гадоева эса яна кимнинг ҳамини қуритсам экан деб "ов"га чиқади. У бу гал Р.Мирзақодированинг уйига алдархалтасини кўтариб боради. Икковлон юзма-юз ўтиришганида эса алдархалтасини ағдаради. Унинг ичидан тушган бир гарам алдовлардан сеҳрланган Мирзақодирова унга нақ 60000 сўмни чиқариб беради. Лекин Гадоева бу билан қониқмайди. Маълум вақт ўтгач тагин шу хонадонга кириб "уйини сотиши учун 40000 сўм керак бўлиб қолганлигини" айтиб, яна унинг 40000 сўм пулини илондек авраб олишга эришади.

Гадоеванинг бунақа товламачилиги хусусида гапираверсак гап кўпчилиги ҳисобга олиб, у қилган қилвирикларнинг қолганларини санаб ўтирмаймиз-да, энди Юсуф Азимов ясаган "хангома"ларни баён қилишга ўтамыз.

Бу товламачи ҳам учига чиққан қаллоблардан. А.Сальников билан ўзаро тил бириктириб Сирғали-6 мавзесидagi 25-уйнинг 12-хонадонига йўл олади. Қараша таҳминини тўғри бўлиб чиқади. Хонадонда ҳеч ким йўқ. Суриштиришса уй эгаси бошқа жойда яшар экан. Товламачи учун бу айни муддао бўлди. У аввал уйнинг темир эшигини алмаштирди. Кейин у ердagi 250000 сўмлик ошхона мебелларини ва 120000 сўмлик девор шкафини олиб чикиб сотиб юборди. Уйни эса қалбаки ордер

тинчалик Россия Федерациясига кетган эди. Азимов бу хонадонга ҳам харидор топди. У Д.Гадоева бўлиб, уйга Юсуф сўраган 11000 АҚШ долларини топа олмади. Лекин Азимов барибир уни қўлдан чиқаргиси келмади:

— Хозирча борини бериб тураверинг, қолганини аста-аста топганингизда бераверасиз. Биз унақа жа пулга зориқиб қолган одам эмасмиз.

Сотувчининг бу гапи Д.Гадоевага мойдек ёқди. Уй оламан деб йигиб юрган 1000000 сўмини олиб чиқиб Азимовга топширди. Эвазига қувей номига ёзилган ордерни олди. Бироқ ўзининг ҳам, қувейнинг ҳам қувончлари узоққа чўзилмади. Сабаби тез кундаёқ мазкур уйнинг ҳақиқий эгаси Н.Астахов эканлигини билиб қолишган эдилар-да! Қайнона-куёв не қиларларини билмай бош чангаллаб қолишди. Аммо Азимов "бопладимми" дегандек, уларнинг устидан қаҳ-қаҳ отиб қулиб, кейинги фойдали "операция"сини бошлаб юборди. Қаллоб "Маданият" уй-жой қурилиш ширкатининг раиси, ишончли ҳамқори А.Сальникова билан жиний тил бириктириб, фуқаро М.Усмоновни туширди. Усмоновга уй кераклигини сезган Азимов унга:

— Бу ишда мушкуллим осон бўлсин десангиз, хизматингизга тайёримиз, - деди.

— Хўш, бунинг учун мен нима қилишим керак?

— Уйга аталган "қуриғи"ни чўзасиз-да.

— Қанча?

— Бошламасига топганингизни...

— Унда, мана шу пулни олиб турсангиз. Усмонов Азимовга 70000 сўмни санаб берди. Аммо на уйни, на берган шунча пулни қайтариб ололмади доғда қолди.

Азимов эса... Келинг, яхшиси унинг ҳам бошқа қилвириклариға тўхталиб ўтирмайлик. 1995 йилда ҳам Чилонзор суди томонидан Ўзбекистон ЖК 149 ва 155-моддаларининг 2-қисмлари билан айбланиб, 3 йилга озодликдан маҳрум

ТУРКИСТОННИМ ЎЗИМ ЭЛИМ

Тупроғидан олтин унган,
Гўзаллари кўзи ёнган,
Йигитлари ботир қалқон,
Кўз қароғим кўзим элим,
Туркистоним ўзим элим.

Қозоқ, қирғиз, турк, туркманним,
Отамиз бир, жоним - танним,
Тожиқдан ўз момом менинг,
Кўксимдадир кўлим элим,
Туркистоним ўзим элим.

Яйловида кўй кўзилар,
Тўйларида ош сузилар,
Оқинлари куйлар ўлан,
Кенг янграган созим элим,
Туркистоним ўзим элим.

Дўстга раҳна солмоқ истар,
Аҳиллигинг олмоқ истар,
Жосус аблаҳ жинси шайтон,
Кўп алданган, ўзим элим,
Тангрим берсин тўзим элим.

Турон элни эл қилармиз,
Ғаним ёшин сел қилармиз,
То абаддир эркин ҳаёт,
Узоқбой ҳақ сўзим элим,
Туркистоним ўзим элим.

Узоқбой МИСЛИБОВ

Қалбимда тўкилган заъфаронларим,
Шамоллар бағрида учган ҳазонлар.
Сарғайиб сирлари кимларга ошкор,
Тонглар дедим уни олис азонлар.
Қуёшга талпинган ўша япроқлар,
Ерларда заррадек сочилиб ётар.

ХАЗОНЛАР

Баҳорим сабосин бир зум сўроқлаб,
Қимлар билолмаган қайғуга ботар.
Ўксима, сўлдим деб нозик япроғим,
Мангулик қаърига кўмилсанг-да хун.
Яна баҳор келар, мену сен кутган,
Қайтарсан, баҳорнинг бағрига бир кун.

Шаҳноза НУРБОЕВА,
талаба

МУҒЪНИМ ИЧИМДАДИР

Жимлигимга ишонма, борлигим ичимдадир,
Аламим, армонларим, гуноҳим ичимдадир.

Иқтидорим гўёки кўзи бекилган булоқ,
Сўз билан айтолмаган ижодим ичимдадир.

Дунёга бефарқ дея кулма мендан, эй рафик,
Бу жаҳон ичра менинг жаҳоним ичимдадир.

Дардмандни қувонтирай, бедардларни ёндирай,
Ташналарни қондирай, уммоним ичимдадир.

Устодимдир шоҳ Машраб, дўстларим дўст ичида
Шеърда менга йўқ тараф, девоним ичимдадир.

Қорёғди КЎЗИЕВ,
Бухоро

СЕҒИҒИ МИҲЛИТИҒИ СЎРАЙМАҒИ

Титраган гулгунча яноқларида,
Гўдакнинг бир ширин дудокларида,
Болақайнинг шўхчан нигоҳларида,
Сенинг тинчлигингни сўрайман, элим,
Сенинг камолингни ўйлайман, элим.

Беозор қалбимда илинж яшайди,
Ватаним, кўксимда соғинч яшайди,
Рухимда зўр қудрат, бир куч яшайди,
Сенинг тинчлигингни сўрайман, элим,
Сенинг камолингни ўйлайман, элим.

Ҳамон отам учун тутаман аза,
Қонли урушлардан юрагим зада,
Уруш номинг ўчсин, ёруғ дунёда,
Сенинг тинчлигингни сўрайман, элим,
Сенинг камолингни ўйлайман, элим.

Болам, бошларингни силайман ўксиб,
Сени довуллардан, шамолдан тўсиб,
Сен қалқон бўласан улғайиб-ўсиб,
Сенинг тинчлигингни ўйлайман, элим,
Сенинг камолингни тилайман, элим.

Мағфират ҒАНИЕВА,
Фарғона вилояти

ОЛТИН БЕЛАНЧАК

БАҲОР ЯҚИҒИ

Ноябрнинг эҳтирослари,
Юракларни сийламоқ учун.
Рўйи-замин бўялди оққа,
Табиат ҳам ўзгача бугун.

Бутоқларда дийдираб кушлар,
Нигоҳимда турар қор изи.
Ҳаялламай боқар мўралаб,
Киш бобонинг декабрь қизи.

Ҳамон ўша баҳордагидек,
Сирли кечар юракда ҳаёт.
Ҳаёлларнинг юпун кўллари,
Хароратдан сўрайди нажот.

Бугун ёққан биринчи қордай,
Тўкилади хижрон хунлари.
Тўхтамоқнинг нелигин билмай,
Ўтаверар январь тунлари.

Феврални ҳам аста ўказиб,
Матонатга қойил қоламиз.
Қалдирғочнинг қанотларидан,
“Баҳор” номли хатни оламиз.

Умида САОДАТОВА,
ТошДУ журналистика
факультетининг 1-курс талабаси



СИЗНИ СЕВМАЙМАҒИ

Мени севмай тўғри қиласиз,
Келтирганим кулфат-зиёндир.
Тақдиримни яхши биласиз,
Мактубимдан сизга аёндир.
Мени севмай тўғри қиласиз
Оқ қоғознинг юзига боқиб,
Тунларимни ўтказмай хурсанд.
Яшайман гул умримни ёқиб,
Мени севмай хато қиласиз.
Турналарни кўрган чоғимда
Баҳордаин шеърингиз азиз
Ишқ илдиз отар кучоғимда
Умидимнинг дарахти ўсиб.
Сиз томонга нигоҳ ташлайди,
Фироқларнинг йўлини тўсиб.
Соғинчларим кўшиқ бошлайди,
Бир кўшиқки тонгдай ёқимли.
Оҳангидан тоғлар юмшайди,
Шамдай эриб кетади ғамлар.
Юрагимда Вафо яшайди,
Мени севмай тўғри қиласиз.

Саодат ОЛИМОВА,
Самарқанд

СЎРАМ

Тушуниқсиз дунё қаъридан,
Маънос боқар сенинг кўзларинг.
Тўйиб кетдим бари-баридан,
Фақат йиғлар қалбда сўзларинг.

Тонгда мени хурлармас энди,
Уйғотади гуноҳсиз ҳадик.
Юракни-чи, нурламас энди,
Куйдиради сен битган битик.

Шивир-шивир япроқ кўшиғи,
Дилни умид нурига чаяр.
Ул парвона чироқ ошиғи,
Севганининг пойига куяр.

Дарпардани тортқилаб ўйнар,
Дайди шамол, бепарво шамол.
Неларнидир ўзича сўйлар
Рухим унга эргашар беҳол.

Дарахтларнинг уч-учларида,
Жимирлайди бир ҳовуч ҳайрат.
Қалбим сим-сим ўқинчларида,
Ғамгин боқиб турар бир сурат.

Шоира РАУПОВА,
талаба

Ҳаммадек яшашни эплай олмадим,
Ҳаммадек яшашни истамас кўнгил.
Она, айтганингдек бунда қолмадим,
Дариг, бўлолмадим сен айтган ўғил.

Ҳижронлар жонимдан ўтди ҳар куни,
Соғинч ўтаверди ўнгу сўлимдан.
Ҳар куни топганим битта шеър бўлди,
Валлох, мен қайтмадим ўз билганимдан.

Шеърлар ёзавердим ўзимдай содда,
Ҳаммани дунёда кўрдим ўзимдай.
Ҳар тун ўсаверар, улғаяверар,
Ҳар тун кучоғимда азобнинг гули.

Она, бўлолмадим сен айтган ўғил,
Тинчгина қишлоққа қайта қолмадим.
Тошларга бош кўйсам уйғонади дил,
Дилимни ташлабда кета олмадим.

Она, бўлолмадим сен айтган ўғил.

Йўлдош КАРИМ,
Сирдарё вилояти

Юрагимни тиф тирнайди.
Қалбим менинг наззора.
Бир дам дилни тинч қўймайди
Чорлар ижод гулзора.
Ул гулзорким шунчалар кенг
Ва шунчалар тозадир.
Магар ёвуз қадам кўйса
Оташ бўлиб ёнадир.
Қалбимнинг туб-тубларида
Ажиб бир гунча ўсди.
Шовуллаган япроғи-ла
Дардимга малҳам босди.
Дунё, дунё, ўйларим кўп,
Кўпдир ҳадсиз-ҳисобсиз.
Юрак тўла сўровлар кўп,
Улар ҳамон овозсиз.
Юрагимдан юлиб отдим
Ташвиш, сени узлатга,
Дилимдаги ул гунчани
Қолдирмай деб гурбатда.

Нилуфар ЖАББОРОВА,
Қашқадарё

3. ХОРИЖДА ҚОЛГАН ҚАБРАЛАР

Ўзбекистондан сургун қилинганлар Украинадан ташқари Қозоғистонда, Шимолий Кавказда ҳам яшаган. Бу ҳудудлардаги ўзбек “қулоқ” лари ҳам катагонга олингани табиийдир. Ҳозирги тарихий адабиётларда 1937-1939 йилларнинг ўзида Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг “учлик”лари томонидан 41 минг нафардан кўпроқ киши судланган, 6 минг 920 киши отиб ташланган, деб ёзилган. Агар 1937-1939 йилларда катагон қилинган юртдошларимиз миқдори ҳам аниқланса, республика-мизда катагон этилганлар миқдори янада ортади.

1941 йили мамлакатда 200 минг оила, яъни 930221 собиқ “қулоқ”лар бўлган. Уларга шўролар ишонмай армияга олманган, ҳар жиҳатдан таҳрирлаган. Қизил армия бош бошқармаси 1940 йил 27 февралда “Ишлаш учун кўчириб келтирилган ёшлар Қизил армия ва флотга чақирилмасин” деган махсус кўрсатма ҳам берган.

Уруш арафасида 16 ёшга тўлиб паспорт олган “қулоқ” фарзандларини меҳнат сургунидан озод қилиш бошланиб, Херсондаги ўзбекларнинг кичик бир қисми ҳам юртига жўнаб кетишга улгурган эди.

Аmmo уруш бошлангач, бу жа- раён тўхтаб қолди. Жўнаб кетиш- га улгурмаганлар истиқомат жойларида рўйхатдан ўта бош- лади. Лагерлар Бош бошқарма- си (ГУЛАГ) меҳнат сургунидаги ёшларни (немис ва финлардан ташқари) озод қилиш ва уларни ҳарбий комиссариатликларга ҳисобга кўйиш ҳақида жойларга буйруқ юборди.

Херсондаги ўзбеклар ҳам ар- мия сафига чақирилди. Бу ерга немислар яқинлашиб қолгач, фронтга сафарбарлик шошили- нч ва тезкорлик билан амалга оши- рилди. 16-60 ёшдаги эркаклар- нинг бир қисми фронт орқасига — Қарағанда кўмир санаоти мар- казига ишга юборилди. Кейинчалик улар- нинг кўпчилиги шу жойдан фронтга олинди.

Херсондан урушга кетган ўзбеклар- нинг кўпчилиги урушнинг дастлабки босқичида Ғарбий фронт таркибига жанг қилди. Бу фронтда катта ва оғир талофатлар бўлиб, ўзбек жангчилари-

нинг кўпчилиги 1941 йилдаёқ ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолганди.

1941 йил июнь ойи ўрталарида Ка- ховский районида ҳарбий ҳолат жорий



қилинди. Июль ойи давомида 7 минг- дан зиёд каховскийлик ҳаракатдаги ар- мияга сафарбар қилинди. Шаҳарнинг ўзида турли миллат вакилларида ибо- рат 350 кишилик қирувчи батальон ту- зилди. 1941 йил август ойи охирида Каховскийда ҳам жанглари бошланиб кетди. Батальон жангчилари фаши-

1

стларга қарши жанглари қахрамонлик намуналарини кўрсатди.

1941 йил август-ноябрь ойларида Го- лопристан туманини мудофаа қилиш жангларида 2,5 минг қизил аскар ҳалок бўлди. Жангларида қатнашган ҳарбий қисмлар ҳақида маълумот Мудофаа ва- зирлиги Марказий архивида бўлмагани боис бу жангчиларнинг кўпчилигининг шахсини аниқлашнинг имкони бўлма- ган. Мудофаа жангларида иштирок эт- ган жангчиларнинг маълум бир қисми ўзбеклар эди.

1941 йил сентябрь ойи ўрталарида Скадовский, Каховский, Голопристан туманлари фашистлар томонидан босиб олинди. 16 сентябрда Каховский тума-

нида 2 мингдан зиёд тинч аҳоли — асо- сан қариялар, аёллар ва болалар отиб ташланди. Октябрь ойида эса Скадовс- кий туманида эски тупроқ қарьериди яна бир гуруҳ тинч аҳоли қатл қилинди, улар орасида 120 аёл, 32 бола бор эди.

Ўзбек “қулоқ”лари — аёллар, бо-

2

Катагон қурбонлари

лалар ва қариялар маҳаллий халқ би- лан бир қаторда икки йилдан ортиқ фа- шистлар қуршовида мислсиз азоб- укубатларни, очарчилик, қаҳатчиликни, турли хил касалликларни бошдан ке- чирди. Улар шу йилларда ҳам пахта етиштириш билан машғул бўлди. Не- мислар колхозларни тарқатмай, улар- дан унумли фойдаланди. Ўзбек “қуло- қ”лари устидан ўз назоратларини тай- инлади. Ишга чиқмай, мажбуриятни бажармаганларни қаттиқ азоблашган. Ватандошларимиз бегона юртларда ўлиб кетмаслик, Германияга жўнатмас- ликлари учун кеча-кундуз меҳнат қилишди. Ўзбекистонга қайтиш умидида ҳар қандай машаққат- га чидашди.

Немислар меҳнат унумдор- лигини ошириш учун ўзбеклар миллий урф-одатларига риоя этишларига рўхсат беришди. Масжидлар, қисман эски мак- табларни ҳам очиб беришди. Лекин 1943 йилга келиб немис- ларнинг аҳволи оғирлашгач, ўзбекларга ҳам катта-катта солиқлар солинди, уларнинг мол-мулки мажбуран тортиб олинди.

Херсон вилоятидан фронт- га юборилиб ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган 162 нафар ўзбек жангчисининг номи аниқланди. Улар Скадовский, Каховский ва Голопристан ту- манида яшаётган “қулоқ” ва “қулоқ” фарзандлари эди. Ас- лида уларнинг миқдори анча кўп бўлган. Сабаби урушнинг дастлабки кунларида фронт Украинага яқинлашиб қолгани, оммавий сафарбарлик авж олгани сабабли ҳам ҳарбий комиссариатларда ҳужжатлар- ни юритишда чалкашлиқларга йўл қўйилган.

Голопристан туманидан урушга жўнаб ҳалок бўлган ёки бедарак йўқол- ганлар орасида 29 нафар ўзбек жанг- чисининг номини аниқладик. Улар урушнинг биринчи кунларида армияга чақирилиб мудофаа жангларида қат- нашганлар. Кейинчалик эса 4-Укра- ина фронтининг 2-гвардиячи арми-

яси таркибига жанг қилиб, 1943-1945 йилларда фронтда ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолганлар. Улар қуйидагилар:

Алихонов Мўйдин — қизил аскар, 10-ўқчи дивизия, 19-ўқчи полки жанг- чиси. 1944 йил мартида бедарак йўқол- ган.

Ботинев Абдураззок — 1912 йилда туғилган. 4-гвардиячи механизациялаш- ган бригада жангчиси. 1943 йил 19 де- кабрда ҳалок бўлган. Херсон вилояти, Цюрупинский тумани, Раденск кишлоғи- да дафн қилинган.

Орзикулов Ҳакимбек Азимович — 1913 йили туғилган. Қизил аскар. 1944 йил май ойида бедарак йўқолган.

Файзихўжаев Маматкул — 1906 йили туғилган. Қизил аскар. 1944 йил майида бедарак йўқолган.

Ҳакимов Юнусжон — 1906 йили ту- гилган. 2-гвардиячи механизациялашган бригада жангчиси. 1943 йил 17 декабр- да ҳалок бўлган. Херсон вилояти, Цюру- пинский тумани, Пролетарка кишлоғи- да дафн қилинган.

Ҳасанов Асадулло — 1917 йили ту- гилган. 4-гвардиячи механизациялашган бригада жангчиси. 1943 йил 18 декабр- да ҳалок бўлган. Херсон вилояти, Цю- рупинский тумани, Раденск кишлоғида дафн қилинган.

Қосимов Мўмин — 1909 йили туғил- ган. 4-гвардиячи механизациялашган бригада жангчиси. 1943 йил 17 декабр- да бедарак йўқолган.

Мақсудов Омон Ашурович — 1920 йили туғилган. Қизил аскар. 1944 йил 16 январда ҳалок бўлган. Херсон вилоя- ти, Великолепетих тумани, Рубановка кишлоғида дафн қилинган.

Каховский ҳарбий комиссариатида бўлганимизда урушга сафарбар қилин- ганлар қаторида 46 нафар ўзбек жанг- чилари номини учратдик. Бу ватандош- ларимиз Қизил Армиянинг турли фронт- лари таркибига жанг қилиб, ғалабага өтмай шахид бўлган. Улардан кўпчили- гининг туғилган йили ва жойи номаъ- лум, фақат 11 кишининггина таваллуд топган жойлари қайд қилинган.

Скадовский туманида эса шу ҳудуд- да яшаб, шу ердан фронтга кетиб ҳалок бўлганлар орасидан 87 нафар ўзбек жангчисининг номи аниқланди. Улар- нинг аксарияти 1943 йилда Қизил Ар- мияга сафарбар қилинган бўлиб, асо- сан 1924-1926 йилларда туғилган

“қулоқ” фарзандлари бўлган. Уларнинг кўпчилиги Украинани фашистлардан озод қилишда ҳалок бўлган. Бу юрт- дошларимизнинг жасади Херсон вило- ятининг Цюрупинский, Горностаевский, Чаплинский, Каланчакский, Бело- зёрский туманлари ҳудудидаги биродарлик қабристонларида дафн қилин- ган.

Мазкур 87 нафар ватандошимиз ҳақидаги маълумотлар жуда оз; улар- нинг исм-фамилиялари хато ёзилган, туғилган йили, жойи аниқ кўрсатил- маган. Улардан 7 таси Тошкент вило- ятида, 2 таси Намангандан, 2 таси Са- марқанддан, 1 таси Фарғонадан, 1 таси эса хўжандлик экани маълум бўлди. Қолган 70 нафар жангчининг туғилган жойи номаълум.

Херсон вилоятидаги ушбу учта ту- мани бўйича II жаҳон урушида ишти- рок этиб ҳалок бўлган ватандошлар- имиздан 162 нафарининг номлари аниқланди. Бу туманлардан урушга ча- қирилиб дом-дараксиз кетган ватан- дошларимиз ҳам бор. Ҳозирда Анди- жон шаҳрида истиқомат қилаётган Адолатхон ая Болтабоеванинг икки акаси Мирзааҳмад ва Саидаҳмад Бол- табоевлар 1941 йил июнь ойида Голоп- ристан туманидан фронтга жўнаб кет- ган. Улар Ленинград фронтинида бўлган- лар. Саидаҳмад Болтабоев 1942 йили ҳалок бўлган. Мирзааҳмад Болтабоев эса дом-дараксиз кетган, тақдири хануз номаълум.

Урушга чақирилган ватандошлари- мизнинг аксарият кўпчилиги ёшлар, яъни “қулоқ” қилинганларнинг фарзан- длари эди. “Қулоқ”, “қулоқ”нинг фар- занди” деган мудҳиш тамгадан қути- лишга умид боғлаб, улар фронтларда мардонавор жанг қилдилар, ор-номус, диёнат учун, вақти келиб она тупроқ- ларига қайтиб бориш учун курашди- лар. Шу йўлда улардан кўпчилигининг умри бегона юртларда ҳазон бўлди, бедарак йўқолганлари, асирга тушган- лари ҳам бўлди. Улардан концлагер- да ўлиб кетганлари ҳам бўлди. Айрим- лари ўз жонларини сақлаб қолиш учун туркистонлик асирлардан ташкил топ- ган “Туркистон легиони”да туриб Со- вет армиясига қарши жанг олиб бор- дилар.

Фронтлардан эсон-омон яна ўша “меҳнат сургуни кишлоклари”га қай-

3

тиб келганлари ҳам бўлди. Улар ҳақида узук-юлук маълумотлар оз бўлса-да бизгача етиб келибди. Жумладан, Хер- сон вилояти давлат архивидаги 2598-сонли фондидан айрим маълумотлар топдик.

Урушдан сўнг 2-Каховский совхози, 2- бўлимига қайтиб келган жангчилар ора- сида 1945 йил 12 октябрда бўлган маъ- лумотномада мана бу ватандошларимиз номларига кўзимиз тушди:

1. **Акбаров Аҳмад** — 1899 йилда ту- гилган, ўзбек, саводсиз, партиясиз, од- дий солдат.

2. **Саидғозиев Аҳмаджон** — 1913 йилда туғилган, 3-синфни битирган, партиясиз. Немислар оккупация қилган ҳудудларда бўлиб ким томонидан ишга қўйилиб, қаерда ишлагансиз, деган са- волга “ха” деб жавоб ёзибди.

3. **Тошматов Турғун** — 1893 йилда туғилган.

4. **Каримкулов Худойкул** — 1897 йилда туғилган.

5. **Бегматов Ходи** — 1900 йилда ту- гилган.

6. **Тўхтабоев Абдурахмон** — 1904 йилда туғилган, бригадир.

7. **Воҳидов Валижон** — 1902 йилда туғилган.

8. **Самандаров Ҳамид** — ўзбек, трак- торчи.

Каховский совхози, 1-бўлим бўйича уруш ногирони бўлиб, ҳукумат мукофот- ларига сазовор бўлиб армиядан бўшаб келиб, шу жойда истиқомат қилаётган- лар рўйхатидан мана бу ватандошлар- ни учратдик:

1. **Мажнунов Азим** — “Қизил Юлдуз” ордени ва “Жасорати учун” медали билан тақдирланган.

2. **Умаралиев Абдулла** — ҳар хил иш билан банд бўлган.

3. **Ботиралиев Мадамин** — “Жанго- вар хизматлари учун” медали билан тақдирланган.

4. **Усмонов Эргаш** — ўқитувчи, “Жан- говар хизматлари учун” медали билан тақдирланган.

5. **Сайфиддинов Райимжон** — ўқитувчи, “Жанговар хизматлари учун” медали билан тақдирланган.

6. **Болтабоев Йўлдош** — ўқитувчи, “Жасорати учун” ва 2 марта “Жанговар хизматлари учун” медали билан тақ- дирланган.

7. **Мадраимов Уринбой** — мактаб-

4

да ишлайди, 2 марта “Жасорати учун” ва “Жанговар хизматлари учун” медал- лари билан тақдирланган.

8. **Мирзашарипов Мансур** — 2 мар- та “Жасорати учун” медали билан тақ- дирланган.

9. **Тожибоев Абдуқодир** — ҳар хил ишда ишлайди, “Жасорати учун” ме- дали билан тақдирланган.

10. **Нишонбоев Жамол** — ишламай- ди.

11. **Ниёзов Позилжон** — 1941 йили урушга кетган, танкчи. 1943 йил ноябрь ойида ярадор бўлган.

Уруш ногиронлари рўйхатидан Шо- ҳимардонов Халимжон (“Жасорати учун” медали соҳибини), Мирзақулов Раҳмат — 3-гуруҳ ногирони, Сариков Мавлон — 3-гуруҳ ногирони, ўқитувчи, Солижонов Ансоридинларни учратдик.

Маълумки, Ўзбекистондан армияга чақириб, урушда ҳалок бўлган, беда- рак йўқолганлар номлари барча вилоя- тлар бўйича аниқланиб 33 жылдик “Хотира китоблари” нашр қилинган. Бу

номлар рўйхати ҳали тўла эмаслиги, Хотира китоблари ва Хотира майдони- даги иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар, бедарак йўқолганлар рўйха- ти янгида излаб топилган уруш кур- бонлари, бедарак йўқолганлар номла- ри билан тўлдирилиши зарурлигига ишонч ҳосил қилдик. Урушда иштирок этиб ҳалок бўлган, бедарак йўқолган ўзбек “қулоқ”ларининг номлари ҳам Хотира майдонидаги рўйхатга кири- тилиши мақсадга мувофиқдир. Ҳозир- ча биргина Херсон вилояти Голопри- стан, Каховский, Скадовский туманла- ридан 162 нафар ўзбек жангчисининг номлари аниқланди. Бу борадаги из- ланишлар яна давом этиб, Хотира ки- тобларимиз ва Хотира майдонимиз ян- гидан-янги номлар билан тўлиб, бой- иб боришига ҳеч шак-шубҳа йўқ.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ, Бобур номидаги Андижон Давлат университети профессори, тарих фанлари доктори.

Музробжон АБДУЛЛАЕВ, университет аспиранти


Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури

Хар қандай давлатнинг бугуни ва келажаги, қудрати, осойишталиги ва гуллаб-яшнаши таълим тизимининг ривожланиши даражаси билан белгиланади. Республика иқтисодийнинг бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтказилиши шунга мос кадрлар тайёрлаш тизимини яратишни тоқозо қилади. Президентимиз Ислоом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва бугунги кунда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг муҳим унсурларидан бири касб-хунар таълими тизимини ривожлантириш ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган Вазирлар Маҳкамаси қарорига муво-

уни тайёрлашда республика ҳудудлари ва меҳнат бозорининг иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожланишга бўлган эҳтиёжлари ҳисобга олинди. Таснифлагич 274 тайёргарлик йўналиши ва 800 дан ортиқ мутахассисликни ўз ичига олади. Унга мувофиқ, ҳар бир коллеж талабасининг таълим жараёнида икки ва ундан ортиқ мутахассисликка эга бўлиши таъминланади. Унда иқтисодиётдан илм-фангача бўлган барча соҳалар ўз аксини топган. Бундан ташқари, бозор қонунларини эгаллаган мутахассисларга эҳтиёж сезилаётгани учун, таснифлагичга менежмент, маркетинг, тижорат иши, фермер хўжалигини ташкил этиш ва юритиш ҳамда бошқа қатор

тайёрлаш бўйича махсус Мақсадли дастур амалга оширилмоқда. Унга мувофиқ, 2006 йилгача республикадаги 38 олий ўқув юртининг марказ ва факультетлари базасида 200 мингдан ортиқ ўқитувчи ўз малакасини оширади.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланганидек, 2005 йилгача 1600 га яқин касб-хунар коллежлари ва академик лицейларни ишга тушириш кўзда тутилмоқда. Улар қайта жиҳозланган ва янги қурилган биноларда жойлаштирилади. Улардаги ўқув жараёнларини юқори даражада ташкил этиш учун нафақат янги дарслик ва дастурларни ишлаб чиқиш, балки қудратли моддий-техника базасини яратиш зарур. Бўлажак мутахассислар ҳозирги пайтда илғор ишлаб чиқаришларда қўлланилаётган замонавий жиҳозларда касб ўрганиши лозим. Буларнинг барчаси катта маблағ талаб этади. Шунинг учун республика ҳукумати бюджетдан маб-



... Ёшим 38 да, мактабда маърифат ва маънавият ишлари бўйича директор муовини лавозимида ишлаб келмоқдаман. Бир нодон, ахмоқ инсон билан турмуш қуриб бахтли бўлолмадим. Шунга мана 10 йил бўлди. Ўғилчам бор, 3-синфда ўқийди. Қўлимдан ҳамма иш келади. Ўзимга ўхшаган, олий

маълумотли, хотинидан бахти келишмаган 40-45 ёшлар орасидаги одам билан ҳаётимни боғласам дейман. Истагим Тошкент ёки Самарқанд томонлардан топилса, чунки у ерда қариндошларим кўп. **САЙЁРА, Қорақалпоғистон Республикаси**

ЎРТА ТАЪЛИМ

фиқ, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида Ўрта махсус ва касб-хунар таълими маркази тузилганига шу кунларда икки йил тўлади. Унинг асосий вазифаси академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ташкил қилиш ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, уларда мамлакат халқ хўжалиги учун баркамол, чуқур билимга эга малакали мутахассислар тайёрлашнинг таъминлашдан иборат. Шу тариха, ўрта махсус ва касб-хунар таълимига янгича, жаҳонда ўхшаши йўқ мақом берилди.

ВА КАСБ-ХУНАР

таълим йўналишлари киритилди. Айни пайтда таълимнинг деярли барча йўналишлари бўйича давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди. Бунда "2000 йил стандартлари" Европа таълим жамғармаси дастури доирасида халқаро тажрибадан республикамизнинг ривожланиш динамикаси, ижтимоий-маданий хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда фойдаланилди.

лағ ажратиш билан бирга, Ўзбекистон Президентининг ташаббуси ҳамда қўллаб-қувватлаши туфайли хорижий инвестицияларни жалб этиш ишларини ҳам амалга оширмоқда.

Бугунги кунда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастуримиз чет элларда ҳам маълум бўлиб, уни амалга оширишга кўпгина давлатлар жамоатчилиги, тижорат тузилмалари ва халқаро ташкилотлар қизиқиш билдирмоқда. Марказ ҳозир Осиё тараққиёт банки ва Корея Республикаси ҳукуматининг кредитлари ҳисобидан ўқув муассасаларини жиҳозлаш ва таълим мазмунини такомиллаштириш бўйича кўп миллионли лойиҳаларни амалга оширишга киришди. Ўзбекистонда ўрта махсус ва касб-хунар таълимини ривожлантиришни кредитлаш лойиҳаси якуний босқичда турибди. Бундан ташқари, Европа Иттифоқи, Германия техник ҳамкорлик жамияти ва бошқа хорижий ташкилотлар грантлари асосида таълим мазмунини такомиллаштириш ва янги турдаги ўқув муассасаларини жиҳозлаш бўйича синовлар ўтказилмоқда.

Республикада бундан икки йил олдин бошланган мутлақо янги касб-хунар таълими тизимини яратиш ишлари давом эттирилмоқда. Бу билан шуғулланаётган мутахассислар зиммасида улкан масъулият бор. Чунки Президентимиз бир неча бор таъкидлаганидек, мамлакат келажаги биздан кейин кимларга қолишига, қандай кадрларни тайёрлашимизга боғлиқ.

А.Иванова, ЎзА муҳбири

Ўзбекистон раҳбарияти Миллий дастурни амалга оширишга катта эътибор қаратмоқда. Мамлакатимиз Президентини ўзининг кейинги нутқларида, жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил якунлари ва келгуси йилдаги вазифаларга бағишланган мажлисидаги маърузасида бу дастурни амалга оширишни кечиктирмасликка алоҳида эътибор қаратгани ҳам буни яна бир бор тасдиқлайди.

Ўрта махсус ва касб-хунар таълими маркази маълумотларига кўра, бугунги кунда республикада янги турдаги ўқув муассасаларидан 120 касб-хунар коллежи, 30 академик лицей ишлаб турибди. Уларда 120 дан ортиқ йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Ўқув йили бошланишига қадар бу коллеж ва лицейларнинг барчаси 130 экспериментал ўқув режалари ҳамда 1800 дан ортиқ дастур билан таъминланди.

Бу ишларни амалга ошириш учун жуда катта тайёргарлик ўрнатилди. Хусусан, ўрта махсус ва касб-хунар таълими учун тайёргарлик йўналишлари, касб-хунар ва мутахассисликлар бўйича давлат таснифлагичи ишлаб чиқилиб,

Янги таълим стандартлари ўқувчиларга умумий ўрта таълим билан бирга, касбий, назарий ҳамда амалий билимлар беришни кўзда тутади. Барча фанлар бўйича шу мавзуда махсус ўтказилган республика танлови ғолиблари томонидан ишлаб чиқилган янги ўқув дастурлари яратилди. Унда академиклар, фан докторлари ва номзодлари, нобатор педагоглар иштирок этди. Ушбу дастурлар ҳозирча 86 та янги турдаги ўқув муассасаларида синаб кўрилмоқда. Иш натижалари бўйича таҳриба алмашиш мақсадида семинар ва конференциялар ўтказилмоқда.

Ўрта махсус ва касб-хунар таълими марказида мавжуд ва янги яратилаётган дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмалари бўйича ахборот базаси барпо этилган. Уларнинг замон талабларига мувофиқлиги синаб кўрилган. Янги ўқув материалларини яратиш ишлари олимлар ва амалиётчилар жалб этилган ҳолда давом эттирилмоқда.

Яна бир муҳим соҳа - касб-хунар коллежлари ва академик лицейларни юқори малакали педагоглар ҳамда муҳандис-педагог кадрлар билан таъминлаш ҳисобланади. Шу мақсадда кадрларни танлаш, аттестация қилиш, тайёрлаш ва қайта

Ёшим 39 да. Иккита фарзандим бор Тўнгичи 10-синфда, иккинчиси 7-синфда ўқийди. Фарзандларим билан менга уйландиган эркак бўлса оила қурмоқчиман. **МУНАВВАР, Паркент тумани**

Ёшим 39 да. Олий маълумотлиман. Хотиним билан ажрашганман. Болаларим йўқ. Яхши, камтарин, ўқимишли аёл билан турмуш қуриб, болали бўлишни хоҳлайман. Агар шундай аёл чиқса, учрашсам. Манзилим тахририятда. **ЗИЁДУЛЛО, Тошкент шаҳри.**



Ёшим 33 да. Хотиним билан ажрашганман. Қандай оиладанлигидан қатъий назар ақлли, хушли қиз бўлса уйланоқчиман. Топиш-тутишим яхши. Оиламни иқтисодий жиҳатдан яхшилашга қурбим этади. **ОДИЛЖОН**

Ёшим 40 да. Рус аёлга уйланиб, ажрашганман. Ўзим поштада инженер бўлиб ишлайман. Маълумотим олий. Уйим-жойим дейдиган ўзбек аёлига уйланоқчиман. **АБДУЛЛА, Чирчиқ шаҳри**

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ 2000 ЙИЛ 10, 24 МАРТ КУНЛАРИ СОАТ 10-00 да КИМ ОШДИ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

- Автотранспорт воситалари:**
- МАЗ-83781 русумли автотиркама бошланғич баҳоси - 370307 сўм;
 - ГАЗ-24 русумли а/м, бошланғич баҳоси - 200 000 сўм;
 - ВАЗ - 21061 русумли а/м, бошланғич баҳоси - 201 600 сўм;
 - ВАЗ - 21061 русумли а/м, бошланғич баҳоси - 60000 сўм;
 - Джип-чероки русумли а/м, бошланғич баҳоси - 1 225 000 сўм;
 - ДАМАС русумли а/м, бошланғич баҳоси - 250 000 сўм;
 - Тойота карина русумли а/м, бошланғич баҳоси - 320 000 сўм;
 - Мерседес бенц русумли а/м, бошланғич баҳоси - 320 000 сўм;

- сўм;
- БМВ русумли а/м, бошланғич баҳоси - 1 007 000 сўм.
- Якка тартибда қурувчилар учун мўлжалланган, Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Сирғали-14 мавзесида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га тенг бўлган ер майдонлари, бошланғич баҳоси - 269 339 сўм.*
- Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Темур Малик кўчасида жойлашган майдони 0.03 га бўлган 16-Б ер участкаси, бошланғич баҳоси - 448 898 сўм.
- Ер майдонлари бўйича аризалар қабул қилиш савдо кунидан уч кун олдин тўхтатилади.*
- Бизнинг манзилимиз:**
Тошкент ш., А.Навоий кўчаси, 69-уй. ("Ёш томошобинлар театри" /ТЮЗ/ ўнг қанот Фото салон орқали)
телефонлар: 144-44-72* 144-44-73*

ТЕХРОН. 22 феврал куни Эроннинг Шероз шаҳрида жойлашган йирик ҳарбий-ҳаво базасига қуролли ҳужум уюштирилди. Босқинчи базадаги ҳарбийларга қарата автоматдан палапар-тиш ўқ узди. Натижада 1 ҳарбий ҳалок бўлди, 11 нафари жароҳатланди. Воқеа сабаблари ўрганилмоқда.



ГРОЗНИЙ. Россия федерал кучлари бўлинмалари Чеченистоннинг тоғли худудида 130 га яқин жангарини йўқ қилди. Шунингдек, жангариларнинг қурол аслаҳа омбори, бир неча таянч нуқтаи ва ҳарбий техникаси ҳам йўқ қилинди, деб хабар тарқатди ПАТА-ТАСС ахборот агентлиги.

ПРАГА. 2002 йилга бориб Чехия ва Польша Европа Иттифоқига киришга тайёр бўлади. 2003 йилда эса улар бу тузилмага аъзо бўлишни режалаштирмоқда. Чехия президенти Вацлав Гавел ва Прагага ташриф буюрган Польша раҳбари Александер Квасневски журналистлар билан учрашувда шуни маълум қилди. Президентлар учрашувда Чехия-Польша муносабатларининг истикболи хусусида фикр алмашди. Уларнинг фикрича, ўзаро сиёсий ва иқтисодий алоқалар икки томон учун ҳам манфаатли тарзда кечмоқда.

ТЕХРОН. 24 феврал-4 март кунлари Эрон қуролли кучларининг ҳарбий машғулоти бўлиб ўтади. Унда қуруқликдаги қўшинлар, ҳарбий-ҳаво ва ҳарбий-денгиз кучлари иштирок этади. Машғулотни ўтказишдан мақсад қуролли кучларнинг ҳарбий тайёргарлигини ошириш ҳамда Форс кўрфазы зонасида тинчликни сақлаш ва давлат хавфсизлигини таъминлашда ҳаракатларни ўзаро мувофиқлаштиришдан иборат.

ТАЛЛИН. Эстония билан АҚШ ўртасида махфий ҳарбий ахборот алмашиш ва уни ҳимоялаш тўғрисида битим имзоланди. Унга Эстония мудоффа вазири Юри Луйк ва АҚШнинг ушбу мамлакатдаги элчиси Мелисс Уэллс имзо чекди.

ПАРИЖ. Европа Кенгашининг инсон ҳуқуқлари бўйича комиссари Алваро Жил-Роблес 24 феврал куни Россияга келди. Сафардан асосий мақсад, Россияда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишишдир. У ташқи ишлар вазири Игор Иванов, Чеченистондаги инсон ҳуқуқлари бўйича махсус вакил Владимир Каламанов ҳамда ноҳукумат ташкилотлари раҳбарлари билан учрашади. Европа Кенгаши комиссарининг Чеченистонга ҳам сафар қилиши кутилмоқда.

РАБОТ. Камерунда "Нэшнл Эйруэйз оф Камерун" номли янги миллий ҳаво йўллари компанияси ўз фаолиятини бошлади. Жанубий Африка Республикаси сармояси иштирокида ташкил қилинган мазкур компания ҳозирча мамлакатнинг йирик шаҳарларига қатновларни амалга оширмоқда. Унинг ҳисобида учта янги самолёт бор.

ДАМАШҚ. Сурия Президенти Ҳафиз Асад Европа Иттифоқининг Яқин Шарқда тинчликни қарор топтириш борасидаги саясий-ҳаракатларини маъқуллади. Сурия раҳбари Италия Бош вазири Массимо д'Алема билан учрашувда шундай баёнот бериб, ЕИ Исроилни у бажаришдан бош тортиб келаётган мажбуриятлар масаласини ижобий ҳал қилиши зарурлигига ишонтиражани таъкидлади.

АДДИС-АБЕБА. Эфиопия Африка мамлакатлари орасида Ирландиядан энг кўп молиявий ёрдам олган давлат ҳисобланади. Жумладан, ўтган йили расмий Дублин Эфиопияга молиявий ёрдам сифатида 14

миллион АҚШ доллари ажратган. Бу 1994 йилдаги кўрсаткичга қараганда қарийб ўн баробар кўп. Маблағнинг асосий қисми мамлакатда таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини яхшилаш ҳамда кишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш борасидаги лойиҳалар ижросига сарфланган.

ТЕХРОН. Эрон Президенти Муҳаммад Ҳотамий Афғонистонга Исломи конференцияси ташкилоти (ИКТ) делегациясини жўнатиш ташаббуси билан чиқди ва бу афғон можаросини ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Шунингдек, у БМТни Афғонистонда ўзаро урушаётган гуруҳлар вакиллари иштирокида коалицион ҳукумат тузиш борасида фаоллик кўрсатишга чақирди.

БЕЛГРАД. Югославия миллий ҳаво йўллари компанияси Фарбий Европа мамлакатлари билан ҳаво алоқасини тиклади. Белграддан Париж, Афина, Милан, Берлин, Копенгаген, Стокгольм, Лондон ва бошқа йирик шаҳарларга яна ҳаво қатнови йўлга қўйилди.

ПЕКИН. Хитой ҳукумати

қарама-қарши томонларни муаммоларни музокаралар йўли билан ҳал қилишга чақирди.

БЕРЛИН. БМТнинг Шарқий Тимордаги халқаро тинчликни сақлаш кучлари сафида хизмат қилган немис ҳарбийларининг миссияси тугади. ГФР мудоффа вазири Рудолф Шарпингнинг буйруғига кўра, Шарқий Тимордаги Германия ҳарбий транспорти ва хизматчилари бирин-кетин Австралиянинг Дарвин шаҳрига қайтарилди.

Шарқий Тиморда шифокор, ҳамшира ва алоқачилардан таркиб топган юз кишилиқ немис гуруҳи хизмат қилди.

ВАШИНГТОН. АҚШ гиёҳванд моддаларни назорат қилиш бошқармаси бошлиғи Барри Маккафрининг фикрича, ўтган йили Колумбияда кокаин ва героин ишлаб чиқариш 23 фоиз кўпайган. Бунинг асосий сабаби мазкур мамлакатда гиёҳванд моддалари ишлаб чиқариш ва унинг савдоси билан шуғулланаётганларга қарши фаол кураш олиб борилмаётганидир.

12-13 март кунларига мўлжалланган Араб давлатлари Лигасига аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги сессияси Қоҳирада эмас, Байрутда ўтказилади. Ливан Бош вазири Салим Хоснинг АДЛ Бош котиби Исмаил Абдумажид билан телефон орқали суҳбатидан шу маълум бўлди. Салим Хоснинг таъкидлашича, кенгаш сессиясининг Байрутда ўтказилиши Исроилнинг Ливанга нисбатан зўравонлик қилишига қарши араб давлатларининг рамзий намойиши бўлади. Учрашув ҳам асосан ана шу масалага бағишланади.

Яқинда Германия ташқи ишлар вазири Йошқа Фишер Гамбургда нашр этиладиган "Файнэншл таймс Дойчланд" газетасига интервью бериб, "мамлакат қуролли кучларига сарф қилинаётган харажат ҳажми кўпайтирилади", деган эди. Кунги кеча эса мазкур мамлакат ҳукумати яқин келажакда Германиянинг ҳарбий бюджети кўпайтирилмаслигини маълум қилди. Бу билан Германия ҳукумати ташқи ишлар вазирининг айтганларини рад этди.

Ирландия республикачилар армияси раҳбарияти ўзларининг қуролсизланиш ҳақидаги қарори Буюк Британия ҳарбийларининг Олстерни тарқ этиши билан боғлиқ эмаслигини маълум қилди. Шунингдек, "мазкур ташқиёт ҳеч қандай ярашув маросимида ҳам иштирок этмайди", деди Шимолий Ирландиянинг йирик яширин ҳарбий ташкилоти вакили.

Саудия Арабистонининг Даммам вилоятида беш яшар болани ўғирлаб, кейин мажбурлаган жиноятчи омма кўз олдида қатл этилди. Маҳаллий телеканалларнинг хабар беришича, жорий йилнинг ўзида етти нафар жиноятчи шарият суди ҳукми билан қатл этилган. Бундан икки кун аввал бир йўла уч жиноятчи олий жазога ҳукм қилинган эди. Улардан икитасининг боши танидан жудо қилинди. Саудия Арабистонида мажбурлаш йўли билан жиноят қилганлар ўлим жазосига маҳкум этилади. Шундай бўлса-да, жиноятнинг бу тури йилдан-йилга кўпаймоқда.

Март ойи бошида Бирлашган Араб Амирликларида "Трайдекс-2000" ҳарбий кўргазмаси бўлиб ўтади. Унда 160 компания ўзининг ҳарбий техника ва технологиялари билан иштирок этади. Илк маротаба ташкил этилаётган "Трайдекс-2000" тез-тез ўтказилиб турадиган "Айдекс"дан фарқ қилиб, унда асосан, ҳарбий соҳада ишлатиладиган радио ва электрон техникалар, алоқа ва ички таъминот, тиббий ва ёрдамчи жиҳозлар намойиш қилинади.



Косовода халқаро тинчликни сақлаш кучлари билан албанлар ўртасида юз берган сўнгги тўқнашувни кескин қоралади. Мазкур мамлакат расмий вакили шундай баёнот бериб, расмий Пекин Косовода яна нотинчлик келтириб чиқарувчи ҳар қандай ҳаракатга қарши эканини ва ўлкадаги барча элатларни ўзаро муаммоларни ҳам-жихатликда ҳал қилишга чақирганини таъкидлади.

ҚОҲИРА. Иордан дарёси фарбий қирғоғидаги Хеврон шаҳрида талабалар билан Фаластин полицияси ўртасида тўқнашув юз берди.

Маълумотларга қараганда, иш ҳақини ошириш талаби билан кўчаларга чиққан ўқитувчиларга талабалар ҳам қўшилган ва улар полиция хизматчиларига қарата турли хил нарсаларни ота бошлаган. Полиция уларга қарши куч ишлатишга мажбур бўлган ва икки ўртада тўқнашув юз берган. Ҳеч ким жиддий талофат кўргани йўқ.

МАДРИД. Испания Бош вазири Хосе Мариа Аснар Викториа шаҳрида юз берган террорчилик ҳаракатини кескин қоралаб, бундай жиноятчиликка қарши кескин чора-тадбирлар қўллаш лозимлигини қайд этди. Шу мақсадда у мамлакатдаги барча сиёсий партияларни айирмачиларга қарши курашда ҳамкорликка чақирди.

Маълумотларга қараганда, Викториада юз берган террорчилик ҳаракати оқибатида икки киши нобуд бўлган.

ҚОҲИРА. Германия Президенти Йоҳаннес Раунинг Араб давлатлари лигаси (АДЛ) бош қароргоҳига ташриф буюриши ва лига раҳбарлари билан музокара ўтказиши, расмий Берлиннинг араб мамлакатлари билан алоқаларни ривожлантиришга интилаётганидан дарак беради. АДЛ Бош котиби Исмаил Абдумажид шундай баёнот бериб, учрашувда, асосан, Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинганини айтди.

МОСКВА. Россия ташқи ишлар вазири Игор Иванов Исроил, Миср ҳамда Сурия ташқи сиёсат маҳкама-си раҳбарлари Д.Левин, А.Мусо ва Ф.Шароа билан телефон орқали мулоқот қилди. Хабарларга қараганда, мулоқот чоғида томонлар Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш, хусусан, сўнгги вақтларда Ливан жанубида тез-тез юз бераётган тўқнашувларни бартараф қилиш масалаларида ўзаро фикр алмашган. И.Иванов минтақадаги барча

БОШҚОВУҚИЧ РАҚА

БУЙИГА:

1. Мусиқа гуруҳи. 2. Наврўзи олам. 3. Муқаддас тоғ. 4. Японларнинг миллий кийими. 5. Баҳорнинг бетакрор ойи. 6. Баҳор элчиси. 10. Шиддатли ёмғир. 11. "Мажнун" исмини олган дарахт. 15. Билим-хунар ўрганиш машғулоти. 16. Иссиқлик. 17. Баҳорий таом. 20. Хушбўй ўсимлик. 21. Фоят гўзал, барно. 23. Эрта баҳорда экиладиган ёш ниҳол. 24. Дарахт шоҳидан кесиб олинган сўйил. 27. Кўз қоғоғида жойлашган туқлар. 28. Қизил мевали, бута ўсимлик. 33. Чолғу асбоби. 34. Баланд текислик, дашт.

ЭНИГА:

1. Илк бор баҳорда очиладиган пиёзгул. 3. Ночорлик, йўқлик. 7. Чақалоқ ўраладиган чойшаб. 8. Баҳорда экинларнинг илк бор униб чиққани. 9. Кўкатлардан тайёрланадиган хамирли овқат. 12. Сувда ўсадиган ўсимлик. 13. Зийнатли ўсимлик. 14. Дунёдаги муқаддас зот номи. 18. ... ҳам фарз, алик ҳам фарз. 19. Серблик, мўл-қўлчилик. 20. Жарангдор. 22. Шамолда ўйналадиган ўйинчоқ. 25. Фалла ўсимлиги. 26. Қадимийз уй-рўзғор мосламаси. 29. Рангбаранг қанотли ҳашбрат. 30. Кичик бадиий асар. 31. Суяқ овқат. 32. Саранжон-сарашталиқ. 35. Икки учи ёғочга осиб қўйилган арқон, ҳалинчак.

Тузувчи: Саодат ОРИФЖОНОВА



Абдурашул ҲАКИМОВ чизган сурат

“ВОИЗ” БЕРЛИНДАН МУХЛИС ТОПДИ

Берлинда “Берлиндале — 2000” халқаро кинофестивали якунланди. Танлов дастурида Берлин кинофестивали ташкилий қўмитаси ва мамлакатимиз элчихонаси саъй-ҳаракати туфайли ўзбек киноусталарининг “Воиз” киноасари ҳам намойиш этилди.

Ўтган йили Москвада бўлиб ўтган МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатлари кинофестивалида бош мукофотни олган ёш ўзбек кинорежиссёри Юсуф Роziқовнинг мазкур асари Берлин кинофестивалида ҳам шинавандаларнинг оққишига сазовор бўлди. Фильмда оддий Искандар аравақашнинг моҳир ташвиқотчи даражасига кўтарилиши, ўзбек халқининг бошига тушган тоталитар тузумнинг фожеали лавҳалари акс эттирилган.

Янги Берлиннинг қоқ марказидаги Постдамер Крайслерда жойлашган “Даймлер Крайслер” ва “Сони” кўргазмалар мажмуи биносида деярли ўн кун давом этган фестивал, ўзларининг сўнгги йиллар давомида ишлаган сара фильмларини олиб келган 60 дан ортиқ жаҳон киноусталарининг ўзига хос учрашув марказига айланди.

Таъкиллаш жоизки, бу сафарги анъанавий “Берлиндале” фестивали алоҳида тантана билан ўтказилди, чунки у юбилей фестивали эди. 1950 йилда биринчи бор ўтказилган фестивал, Германиянинг сўнгги 50 йил ичидаги тарихий ўзгаришларини ўзида синаб кўрди.

Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари лойиҳалари бўйича саралаш комиссияси аъзоси Хайнц Шлегельнинг таъкиллашчи, Берлин фестивалида “Воиз” фильмининг намойиши ва истеъдодли актёр Баҳодир Одиловнинг моҳирона ижроси бугунги ўзбек киносининг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаётганидан далолат беради.


Ш.ЎҚУБОВ,
“Жаҳон”АА, Берлин

Ю П Д У З Л А Р САМОДАН СЎЗЛАЙДИ

ҲАМАЛ. Душанбадан кўнғироқ кутинг. Сешанба куни қувонасиз. Омадли кунлар чоршанба ва пайшанба. Мухим ишларни жума куни хал қилинг. Соғлиқ кайфиятингиз шанбада яхши эмас. Яқшанба куни алданиб қолманг.

САВР. Ҳафта бошида ҳамкорлар билан янги битимлар тузасиз. Сешанба куни сизни сўроқлашади. Чоршанбада ишлар о’кей. Пайшанба куни молиявий аҳволингиз яхшиланади. Жумада сирли учрашув. Дам олиш кунлари кўпдан кутаётган хабарлардан огоҳ бўласиз.

ЖАВЗО. Душанба куни қувонасиз. Сешанба ижодкорлар учун баракали. Чоршанбада бойийсиз. Пайшанба куни сизни алдашга ҳаракат қилишади. Жумадан хушхабар кутинг. Шанба куни



ПОЛВОН ТАЛАБАЛАР БЕЛЛАШУВИ

Акмал Икромов номидаги Тошкент темир йўл муҳандислари институтида талабалар ўртасида кураш бўйича шаҳар биринчилиги бўлиб ўтаётир. Унда пойтахтимиздаги 22 та олийгоҳнинг икки юзга яқин талабалари ўзбек курашининг икки тури бўйича етти вазн тоифасида голиблик учун беллашмоқдалар.

— Талабалар ўртасида анъанавий Универсиада доирасидаги мусобақаларга илк бора янги қоидалар асосида ўзбек кураши баҳслари киритилди, — деди беллашувлар бош ҳақами Ашурбек Абдусатторов “Туркистон-

Спорт баҳаси

пресс” муҳбирига. — Мақсадимиз ёшлар ўртасида курашимизнинг оммавийлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда халқаро мусобақаларда иштирок этиш учун энг кучли полвонларни танлашга йўналтирилган. Қолаверса, баҳсларни халқаро тоифадаги ҳакамлик курсини тамомлаган етуқ матахассислар бошқариб боришаётир.

Мусобақа яқшанба кунига давом этиб, унинг голиблари май ойида Наманганда ўтказиладиган Республика Универсиада босқичига йўлланини қўлга киритади.

“Туркистон-пресс”

Боботоғда мотопойга

Боботоғ этагидаги Қизилмозор адирлигида спортнинг мотопойга тури бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Ўзбекистон мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Сурхондарё вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тадбир иштирокчилари Республика биринчилигининг биринчи босқичи голиблиги учун куч синашди.

14 команда қатнашган мотопойгада Навоий вилоятининг “Зарафшон”, Навоий металлургия комбинати, Тошкент шаҳрининг Юнусобод спорт-техника клуби мотоцикчилари галаба қозонди.

Чори ТЎХТАЕВ,
ЎЗА муҳбири

ГҲДАК УЧУН ҚҲРИҚЧИ

Кичик, лекин жуда фойдали ихтиро гўдақларнинг туғруқхоналардан ўғирланишига баҳрам беради.

Инфракизил нурлар ва радиосигналда ишлайдиган “болалар қўриқчиси” “Элпаз” компанияси томонидан ишлаб чиқилган. Бу асбоб биллакузудан иборат, улардан бири оддий фарқлаш қайдлари ўрнига гўдақнинг қўлчаси ёки оёқчасига тақилади, иккинчиси эса онасида бўлади. Билакузуклар бир-бирига мунтазам инфракизил ва радиосигналлар юбориб туради. Бу болақайнинг қаердалигини аниқ билишга имкон беради.

БАЛИҚЛАР ИССИҚХОНАСИ

Эйн Тамар қишлоқ хўжалиги кооперативида балиқларни етиштириш учун улкан иссиқхоналар яратилди. Ушбу фан ва техника ютуғи Оз Ром компанияси томонидан ЭРЕЦ технология боғида ишлаб чиқилди. Янгилик балиқларни сунъий етиштиришда катта шовшувга сабаб бўлиши кутилмоқда.

Оз Ром компанияси бош директори Моше Коэннинг тушунтиришича, иссиқхоналар тунеллар орқали ҳовузлар билан бирлаштирилган. Белгиланган вазнга етган балиқлар дарҳол керакли ҳовузга чиқариб юборилади.

Хориж матбуотидан

ИЛОНХҲР ОДАМ

Американиннг Техас штатидаги шаҳарларнинг бирида яшайдиган қирқ ёшлардаги ҳисобчи Мэл Лаунтернинг гаройиб одати бор. У илон гўштидан бошқа гўштни тан олмайди. Мэл кичикроқ илонни ушлаб, тиригича оғзига солиб, чайнаб-чайнаб ейди, сўнг қорнини силаб, оҳ, маза қилдим, дейди. Баъзан у ўзи учун байрам дастурхонини тузайди. Бир косага чириллаб турган кичкина илончаларни солиб, худди спагетти сингари ёки нон орасига солиб ейди.

Илонхўрнинг айтишича, у илк бор болалигида илон шўрва ичган. Ушандан бери бу унинг суйган таоми ҳисобланади. Йигирма ёшдан бошлаб илонни тиригича ейишга ўтди. Илгари йўгон илонларни ютишга қийналган эди. Бора-бора бунга ҳам ўрганди. Албатта, Мэл бундан ташқари мева ва сабзавотлар, айниқса саримсоқлиёз ҳам тановул этади.

Шифокорларнинг гапига қараганда, унинг соғлиғи аъло даражада. Фақат овқатни ёлғиз тановул қилиши унинг кўнглини чўктиради. Чунки яқинларидан ҳеч ким у билан бир дастурхон олдида ўтирмайди.

БОЛАНГИЗНИ УРИБ ҚАМАЛАСИЗ

Фарзандингиз қулоқсиз чикди: айтганингни қилмайди, ёмон ўқийди, одоб-ахлоқ ҳақидаги насиҳатларингизни бир чақага олмайди. Чорасиз қолгач, баъзан асабийлашиб унга шапалоқ тортиб юборасиз. Ёки камарингизни ечиб, унинг қон чиқмайдиган жойига урмоқчи бўласиз. Агарда сиз Буюк Британияда яшасангиз, асло бундай қила кўрманг. Мазкур мамлакатда яқинда қабул қилинган қонунга кўра фарзандингизни урсангиз қамоқ жазосига ҳукм қилишлари мумкин экан. Соғлиқни сақлаш вазирлиги 140 йилдан буён амал қилиб келинаётган қонунга ана шундай ўзгартириш киритишга эришди.

эски дўрдлар безовта қилиши мумкин.

САРАТОН. Ҳафта бошида қариндошларингиз билан кўнғироқлашасиз. Агар сиз ижод билан шуғулланмоқчи бўлсангиз чоршанбани танланг. Пайшанба ҳаёмингизни тўлдирати. Шанба ва яқшанбани кўнғингизга яқин одамлар даврасида ўтказасиз.

АСАД. Душанба куни сирли учрашув. Сешанбада сизни сўроқлашади. Чоршанба куни қувонасиз. Пайшанбада зиддиятлардан нари юринг. Жума ва шанба кунлари муҳим хабар эшitasиз. Яқшанбада алданиб қолманг.

СУНБУЛА. Кайфиятим тушмасин десангиз душанбада зиддиятлардан нари юринг. Чоршанба куни соғлигингиз безовта қилади. Мухим ишларни пайшанбага қолдирманг. Жума севишганлар куни. Шанба куни қувонасиз. Яқшанба кўнғилдагидек ўтади.

МЕЗОН. Душанбада сизни сўроқлашади. Сешанба яқинлар даврасида ўтади. Чоршанба куни асабни асранг. Пайшанбада соғлигингиз безовта қилади. Жумадаги кўнғироқдан кайфиятингиз кўтарилади. Дам олиш кунларини оила даврасида ўтказинг.

АҚРАБ. Ҳафта бошида молиявий аҳволингиз яхшиланади. Сешанба куни қувонасиз. Чоршанбадан янгилик кутинг. Пайшанбада ишлар о’кей. Жума куни соғлиқ учун қайғуринг. Мухим ишларни шанбага қолдирмаганингиз маъқул. Яқшанбада яхши дам олинг.

ҚАВС. Қавсларни душанба ва чоршанба сирли учрашувга таклиф этади. Сешанба ва пайшанба кунлари қувонасиз. Жумада зиддиятлардан нари юринг. Шанба куни ҳар хил майда-чуйда гапларга эътиборсиз бўлинг. Яқшанба кўнғилдагидек ўтади.

ЖАДЙ. Ҳамкорлар билан учрашув душанбада ўз самарасини беради. Сешанба куни соғлиқ ҳақида қайғуринг. Чоршанба молиявий аҳволингизни яхшилайди. Пайшанбада ижод қилинг. Жума куни қувонасиз. Шанба ва яқшанбада кўнғилли хордиқ чиқарасиз.

ДАЛВ. Душанбада сизни сўроқлашади. Сешанбага муҳим ишларни қолдирманг. Чоршанба хайрли кун. Пайшанбада бой бўласиз. Жума ва шанбада ҳамкорлар учрашуви. Яқшанбани ўзингизга бағишланг.

ҲУТ. Телефонда кутаётган муҳим хабарингизни душанбада эшитасиз. Сешанба молиявий аҳволингизни яхшилайди. Чоршанбада янги битимлар имзолайсиз. Пайшанба куни соғлигингизга эътибор беринг. Жума ва шанбада қувонасиз. Яқшанбада юракни кенг қилинг.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти томонидан 1981 йилда Юлчибаев Инамжан Ихболович номига берилган 3В № 845324 рақамли диплом бекор қилинади.

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ
«КАМОПОТ» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир
Назокат УСМОНОВА



Тахририят:

Бош муҳаррир — 133-89-61
Қабулхона — 136-59-38
Хатлар бўлими — 133-79-69



Манзилимиз:

700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32—уй

Тахририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.